

ЛАЙЛО ШАРИПОВА

# ОНАМГА ТОРТИК



Лайло Шарипова – ўтган асрнинг 90-йилларида бадиий сўз гулзорига қадам қўйган иқтидорли қаламкашлардан. Унинг шеърларида бугунги кундан мазмун топиб яшаш, эртанги кундан умидворлик руҳи устувор. Шоира ўз қалб кечинмаларини гоҳ маҳзун, гоҳ ҳаётбахш сатрлар қанотида қоғозга тушираркан, аслида умрнинг мазмуни ўзликни англаш йўлидаги тинимсиз изланишлардан иборат эканлигини такрор-такрор эътироф этади. Олам ва одам муносабатларига хос нозик қирраларни англаш ва шу аснода ўз сўзини айтишга уринаётган муаллиф билан навбатдаги мулоқот Сизга ҳам манзур бўлишига ишонамиз!

**Масъул муҳаррир:**

**Тошпўлат АҲМАД,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, шоир*

**“Бухоро” нашриёти,  
2012 йил**

## ВАТАН

О, тангрим, мен кездим дунёларингни,  
Ўзимнинг олашим тополмай сарсон.  
Ўқиб-ку билмасман иншоларингни,  
Билганим: инсонман ночору ҳайрон.

Матлабим – ҳалоллик, матлабим – тинчлик,  
Ўн саккиз минг олам дилда мужассам.  
Мен дўстлар кўзига боқа олдим тик  
Ва лекин дўсти йўқ зотдай кўнгли кам.

Дунёда бирор зот онам бўлмади,  
Отамдай бўлолмас мукаррам зотлар.  
Дунёлар сиғган бу кўнгил тўлмади,  
Руҳимда тўполон, дилда фарёдлар.

Энг охир бу бошим сенга урилди,  
Пойим ҳам, бошим ҳам сендадир тупроқ.  
Ватаним, бу кўнгил сенга бурилди,  
Кўзимни юмганда оча ол кучоқ.

Тиконинг гули ҳам тўтиё, Ватан,  
Умримни сарфласам ёзмоққа сўзинг.  
Онамнинг онаси, эй Ҳавво, Ватан,  
Сен менинг отамсан, устозим ўзинг!

2010 й.

## ЭЛИМГА

1

Ўзликнинг нелигин билмасди жаҳон,  
Юртимнинг ўзлиги – “Катта Авесто”.  
Қуръони каримдан тополди имон  
Туркистон аталган Ватани якто.  
Саноқнинг нелигин билмасди башар,  
“Алжабр” туғилди Хоразмий бўлиб.  
То абад табобат илмиким яшар,

Сино ҳам яшайди олқишга тўлиб.  
Ул улуғ Беруний сувлик ортида  
Заминнинг борлигин Колумбга айтмиш.  
Туғилгач Абу Наср исмли бола,  
Арасту Мағрибдан Машрикқа қайтмиш.  
Неча бор босқинчи кирди бостириб.  
Неча бор жаннатни айлади барбод.  
Темурдай ўғлонинг дадил от суриб,  
Ҳар қарич ерингни айлади озод.  
Бир боқий жадвални тузди Улуғбек,  
Унга ошкор бўлди самовий асрор.  
Бобурким юртида бўлолмагач бек,  
Ҳиндуга ўқиди туркона ашъор.  
Ўз тилинг, ўз йўлинг борлиги бахтинг,  
Мадаккор бўлгайдир бобонг Алишер.  
Истиқлол – истиқбол, мангу бу аҳдинг,  
Омон бўл ҳур диёр, жаннатмакон ер!

2004 й.

2

Ўстирган ўриги мисол сермағиз,  
Тут каби кессалар кўкарган элим.  
Истибдод тўридан озод бўлган дил,  
Хурликдан нурланган пурзиё элим.  
Бу йиллар асрга тенг бўлгани ҳақ,  
Муборак қадамлар, беғубор осмон.  
Ислонин кўксида асрай олган халқ,  
Мунаввар манзилни кўзлаган карвон.  
Бизнинг халқ Арш қадар юксалиб ҳар дам  
Кибрга ботмаган, ҳамон хокисор.  
Қуёшдан нур эмган заминдай бардам,  
Истиқлолни асраб, йўл босар бедор.  
Тупроғи зар-зевар, кўли қадоқ юрт,  
Қалби кенг каъбадир, тоғдай бардошли.  
Енголмас тўфонлар, имонидир бут,  
Шодликдан шошмагай, кўзи қуёшли.

2006 й.

## ЖАВОБ

“Бухорода шоира йўқ...”

(Қулоққа чалинган гап)

“Бухорода шоира йўқ”. Ҳой,  
Тандир, синглим, битигинг келтир.  
Шеър тушунмас бағирлар, вой-вой,  
Уқмаса ҳам, ўқисин бир-бир.  
Сўнг шеърларин сенга бергайлар,  
Оловларда тоблансин дебон.  
Бухоронинг шоираларин  
Исмларин айтади осмон.  
Онасининг шеърларин тинглаб,  
Оҳанг излаб кетди Бухорий.  
Ҳадисларни шу оҳанг билан  
Дилдан зикр этди Бухорий.  
Уржузалар битгандир Сино  
Онасининг шеърлари сабаб.  
Ҳар бир дардга топаркан даво,  
Оҳангларни тўн қилди, ажаб.  
Аллаларни дил-дилдан тинглаб,  
Еру кўкдан сабоқ олдилар.  
Оналари шоирки, минглаб  
Бухорийлар боқий қолдилар.  
Қизбибижон, тароғингизда  
Мажнунтоллар сочин тарасин.  
Бухорода шоира йўқ деб  
Турган зотлар унга қарасин.  
Тоши – тарих, тикони – баёт,  
Бу тупроқда шоира нетсин?!  
Шоираман деган аёллар  
Бухорога бир келиб кетсин!

2011 й.

## ШЕЪРИМГА

Дунё-да бу, эҳ, дунё-да бу...

Ёбонларнинг кенгликларида  
Бир кун сени қўйдим йўқотиб.  
Йиллар ўтиб, ўша ёбондан  
Кенжа қизим келтирди топиб.

Ич-ичимдан ўксиб йиғладим,  
Соғингандим ҳабибим – шеърим.  
Қизим ҳайрон, термуларди жим,  
Унга қўшиб сени ҳам қучдим.

Дунё-да бу, эҳ, дунё-да бу...

2000 й.

## САВОЛ

Неча бора вафо қилмадим,  
Лекин мени кетмади ташлаб.  
Сизни дедим, уни билмадим,  
Сиз кўзимни қўйдингиз ёшлаб.  
У ҳар сафар артди кўз ёшим,  
Ўзи қон-қон йиғлаб турса ҳам.  
У дардкашим, метин бардошим,  
Қон томган ул ярамга малҳам.  
Сиздан кўра дилимга яқин,  
Сизга тутар менинг меҳримни.  
Мен сиз дедим, у дарддошим чин,  
Сизни дейми ёки шеъримни?!

2008 й.

## ШОИРМАН ДЕНГ...

Шоирман денг – шарқирасин чўққида қорлар,  
Шоирман денг – сизни топиб келсин ифорлар,  
Шоирман денг – баҳс бойласин белбоғи борлар,  
Эгнингизга юрт меҳридан чопон ёпгайсиз,  
Шоирман деб айтмоқликка ҳуқуқ топгайсиз.

Сизга дардин айтиб анор юзлари ол у,  
Дардингизни тинглаб сариқ бўлган зардолу,  
Дарахт билан сирлашмоқлик – қайтмас иқбол-ку,  
Шоирлик бу валиликдир, инсонийлик – туғ,  
Шоирман деб айтмоқликка топгайсиз ҳуқуқ.

Беш кунлик бу дунёсин дер шоду ношодлар,  
Юртнинг чаман-чорбоғида турфа хил зотлар,  
Янтоқдан ҳам ҳикмат топгай кўнгли ободлар,  
Шу тупроқда гул унсин деб қолдиргайсиз из,  
Шоирман деб айтмоқликка ҳуқуқ топгайсиз.

Истиқлолнинг куйин куйлаш булбулларга тан,  
Шоир эркнинг мададкори азал-азалдан,  
Ҳақни ёзинг: эл кўкарсин, гулласин Ватан,  
Адолат деб магар уммон узра чопгайсиз,  
Шоирман деб айтмоқликка ҳуқуқ топгайсиз.

2010 й.

## ОҚ ҚОҒОЗИМ

Кунлар кетиб, тунлар ўтиб, сочим узун бўлмаса,  
Йиллар кетиб, умр ўтиб, бағрим бутун бўлмаса,  
Сукут – ўлим, бўронлару исёндан дил тўлмаса,  
Юракнинг бир чеккасида туғилган шеър кулмаса,  
Оқ қоғозим, қандай сенинг дилинг сиёҳ бўлмасин?!

Ёнган юрак вужуд тугул дунёни олов этса,  
Тошга бошим урсам агар, тошлар эзилиб кетса,

Дилни манзил айлаган ул кўшиқ самога етса,  
Қулоғини беркитса ер, дил нола этиб нетгай,  
Оқ қоғозим, дилинг сенинг қандай сиёҳ бўлмасин?!

Янги уммон пайдо бўлса кўздан оққан ёшимдан,  
Тошлар чиқса ейман деган сиқим тўлмас ошимдан,  
Ғаму андуҳ айланса гар кичиккина бошимдан,  
Мен топинган туйғу жимиб ўтиб кетса қошимдан,  
Оқ қоғозим, нега сенинг дилинг сиёҳ бўлмасин?!

1992 й.

## РУҲИМ...

1

Руҳим – ҳудуд билмаган олам,  
Бир дамида тўрт фасл зоҳир.  
Гулларида барқ урар кўклам,  
Дарахтлари кўксида ёздир.  
Даласида куз кезар пурғам,  
Тоғларида ҳоким аёздир.

Руҳим – ҳудуд билмаган очун,  
Кирган балки бўлур савдойи,  
Бир дамида зоҳир куну тун,  
Ҳам қуёши, ҳам бордир ойи.  
Кимки севса тунни кун учун  
Фасли бешни излар то қойим.

Руҳим – ҳудуд билмаган жаҳон,  
Унга кирган адашар бесўз.  
Қодири ҳам билмас бегумон,  
Осмонида нечтадир юлдуз...  
Бу оламда яширин исён  
Ўзин гоҳ-гоҳ этади кўз-кўз.

Руҳим – ҳудуд билмаган дунё...

1989 й.

## 2

Руҳим, нега кўкка учмайсан,  
 Наҳот энди ер манзилотинг.  
 Нега тўққиз кўкни қучмайсан,  
 Қанотингни қайларга отдинг.

Вужудимни ғийбатлар кўмди,  
 Кўзларимнинг лайлоси маъюс.  
 Кўнгил ғамнинг кўлига чўмди,  
 Кунлар келар беогиз, бекўз.

Нега кўкка учмайсан, руҳим...

1991 й.

## 3

Руҳимнинг тор сўқмоқларида  
 Оппоқ бўлиб гуллади бодом.  
 Дилим минору тоқларида  
 Гала лайлак тунади бу шом.

Тонгда кўкка термулиб дилгир  
 “Шашмақом”ни куйлади оққуш.  
 Бу не наво, бу қандайин сир,  
 Ҳеч кўрмовдим бундай ҳазин туш.

Сўнг лайлақлар кетдилар учиб,  
 Руҳимда бир муслима сукут.  
 Улар кетди мовий ёш тўкиб,  
 Мовий ёшдан лиммо-лим Шоҳрўд.

Шу кун руҳим кенгликларига  
 Жингалаксоч қизча сиғмади,  
 Қизча илк бор онасин эмас,  
 Дарахтларни қучиб йиғлади.

Руҳимнинг тор сўқмоқларида  
 Кузга юзин ўгирди бодом...

1991 й.

## ЮСУФ ҚУРБОНОВГА

Шариф шаҳар фарзанд деб билди,  
Юзидан нур ёғилган эй зот.  
Изингиздан чечаклар кулди,  
Кўпнинг кўнглин этдингиз обод,

Сиз дардни ҳам сизлайсиз ахир,  
Гўзал боғлар изингиздадир.  
Эзгуликка йўғрилган умр,  
Юртнинг меҳри кўзингиздадир.

Шариф шаҳар фарзанд деб билди...

## ОХУНЖОН САФАРОВ СЎЗИ

Оғриқдан зирқирар ҳур болалигим,  
Уруш жафосини жон-жоним туйди.  
Халқона қўшиқлар аллалади жим,  
Ўшанда эртақлар эркалаб қўйди.

Онам аллалари руҳимдан секин  
Оғриқни қувгани, қўллагани рост.  
Бобом эртақлари наҳорий эпкин,  
Фольклорнинг бағрига йўллагани рост.

Шукрона айтаман, зиёкор отам  
Халқ меҳри нелигин ўргатиб кетди.  
Дуолар айлабон меҳрибон онам,  
Мен олим аталган кунларга етди.

Ўйчан болалигим қолган кўчалар –  
Маънос армонлардан кўкарган чаман.  
Эрка болалигим толган кўчалар –  
Кишнаб-кишнаб ўтган энг чопқир саман.

Болалик дунёси беғубор, асил,  
Мен унинг кашфини орзу айладим.  
Халқона қўшиқлар уммонида дил  
Покланди, фольклордан тикланди қаддим.

Орзулар дунёси қуёшли, гўзал,  
Умрнинг карвонин кузатиб борар.  
Ушалган орзулар йўл бўлар ҳар гал,  
Илм чўққисига узатиб борар.

Илм бу – игна-ла қазилган қудуқ,  
Сувидан беҳисоб ташна дил қонар.  
Илм бу – фозилга ибодат, борлиқ,  
Илмли кўнгиллар фасоддан тонар.

Бошида тутгайдир устоз деб элим.  
Устозлик фаслига бу умр етди,  
Армони шириндир, ўксинма, дилим.  
Жоҳиллар дунёдан шунчаки ўтди.

Бари яраларга малҳамдир илм,  
Вақт дея аталмиш энг олий ҳакам.  
Ўқимоқ, уқимоқ матлаби кўнглим,  
Мени рост сақлади шу илм ҳар дам.

Оғринган чоғимда қобил шогирдлар  
Фазлу камолидан ёришди кўнглим.  
Кимлардир ҳашамни байроқ қилган дам  
Илмнинг пойига бошим қўйдим жим.

Ҳасадни сабримнинг қумига кўмиб,  
Ғийбатни кенг феълим бари-ла ёпдим.  
Эътироф, олқишлар масъулият юкин  
Кифтимга юклади, матонат топдим.

Ҳар кимга қарилик гаштини сурмоқ,  
Кенг феъл-ла кексаймоқ насиб айласин.

Шогирдлар давраси тўрида юрмоқ,  
Илм-ла юксалмоқ насиб айласин.

2008 й.

## ШАРИФАГА

Фарзанд деб ўтади фарзанди солиҳ,  
Ким она мисоли минг жони нисор?!  
Ёлғизлик – кўнгилга санчилган бир тиф,  
Ёлғизлик аслида ўзлигимда бор.  
Дунёси омонат, дунёси сирдир,  
Яратган биттадир, яратган бирдир.

Дўстларим санокли, бориға шукр,  
Қабрида яккадир одамзод лекин.  
Мададкор топмадим, топганим зикр,  
Кўнглимнинг буржида руҳим олсин тин.  
Дунёси омонат, дунёси сирдир,  
Яратган биттадир, яратган бирдир.

Дунёга бир ўзи келган бу жоним,  
Вужуддан чиқар чоқ ёлғиз бўлар, жим.  
Шунча йил суянмоқ истаганим ким,  
Биттаси сизмисиз, бегона бегим?!  
Дунёси омонат, дунёси сирдир,  
Яратган биттадир, яратган бирдир.

Қирқ қирдан ошдим-у, бир сабоқ олдим,  
Яратган ҳукми-ла бунёд бўлар жон.  
Кўнглимни қучоқлаб мен ёлғиз қолдим,  
Руҳнинг исёнига бир ўзим қалқон.  
Дунёси омонат, дунёси сирдир,  
Яратган биттадир, яратган бирдир.

2011 й.

## ДАДАМГА ДАРДИ ҲОЛ

Ташвиш бисёр, сийлар тақдир, қийнар тақдир,  
Сафдошларим бири осмон, бири пастдир.  
Оллоҳ қўллар, у меҳрибон, оллоҳ бирдир,  
Аммо, нетай, отажоним, ўлим ҳақдир.

Умрингизнинг давомида боғлар қолди,  
Юрагимда ҳам фахр, ҳам доғлар қолди.  
Фарзандларим умрин сўраб “оллоҳ”, дерман,  
Ота, сиздан хуш даврон, хуш чоғлар қолди.

Сизни эслаб дуо ўқир қизингизман,  
Халқ ичида мен ҳам битта юзингизман.  
Кулсам, сиз ҳам кулгандайин бўларсиз, рост,  
Сизнинг айтар сўзингизман, ўзингизман.

2000 й.

## ЗИКР

1

Менинг ҳам кимгадир суянгим келар,  
Улар мендан ожиз, мендан-да юпун.  
Тоғ каби турганим сиз эдингизми,  
Дадажон, ибодат қилдим сиз учун.

Оятлар кўнглимни сув каби ювди,  
Бошимни кўтарди хотиротингиз.  
Дуонгиз жонимдан оғриқни қувди,  
Оллоҳга йиғла деб ўргатдингиз сиз.

Йиғласам, қаламга йиғладим гоҳо,  
Қаламнинг дил қони қоғозга оқди.  
Тақдир юз ўгирди менданми, оё,  
Аршгача кўтарди, у менга боқди.

Беҳудуд кўнгилда кездим дарбадар,  
Барибир ожизман, парвардигорим.

Қўллагин, йитмасман қўлласанг агар,  
Ожиза қулингман, ё биру борим.

2

2007 й.

Она, дардларимни айтмоққа бордим,  
Дардингиз кўп экан, қайтдим жимгина.  
Мужгоним дардингиз тўкиб юборди,  
Мен сиздан қандайин қилайин гина.  
Дардкашим, художон, дардимни эшит!

Бегим, дардларимни қилдим дастурхон,  
Бурилиб кетдингиз, ёнди бу жоним.  
Сиз ҳақсиз: хотинда қирқта бўлар жон,  
Қирқинчи жонимни ишлатяпман жим.  
Дардкашим, художон, дардимни бекит!

Қизларим, дардимни қандай айтайин,  
Қоғозга тўкилса, уялади жон.  
Мен борса келмасдан омон қайтайин,  
Бахтингиз кўрмоққа топайин имкон,  
Яккашим, художон, бироз омон тут!

2011 й.

## СОҒИНЧ

Она, Шофирконнинг йўллари узун,  
Тиканзор бўлса ҳам, пойлuch борардим.  
Ёлғизлик кўрпамдан тортганда ҳар тун,  
Соғинчим сочидан юлқилар дардим.  
Ўзимнинг уйимда мисли бегона,  
Дарбадар кезинмоқ тегди жонимга.  
Сиз мени не учун туққансиз, она,  
Ёлғизлик тиш урса ҳатто нонимга.  
Оқариб кетса ҳам кўзим гавҳари,  
Борардим тошлоқдан мен ялангоёқ.  
Баҳор ҳам боради мендан илгари,  
Онажон, Шофиркон узоқдан-узоқ.

1997 й.

## ОНАМГА

Шу жимит жуссада тоғларнинг юки,  
Ўзини бир зум ҳам ўйламас онам.  
Ўзини бир лаҳза ўйламаса ким,  
Дардкаши бўлмагай еру само ҳам.

Бунчалар қийнайсиз ўзингизни-а,  
Бошқалар дарди деб туққан онангиз.  
Бепарво қизлару келинларингиз,  
Невара гўёки сизнинг болангиз.

Онажон, қарзингиз қолгани йўқ-ку,  
Ҳаммани бирма-бир ўйламанг ахир.  
Келин қиз бўлсайди, қайнона – она,  
Тўс-тўпир бўлмасди ҳеч битта тақдир.

Онадай беминнат зотнинг ўзи йўқ,  
Отадай орқатоғ бўлган қайси зот?!  
Бунча хокисорсиз, пойингизда чўғ,  
Изингиз обод-у, кўнглингиз барбод.

Кипригим устида ҳар хизматингиз,  
Кўнглингиз қандайин кўтарай, онам?!  
Худодан ва сиздан бошқа таянч йўқ,  
Жонфидо дилдошим, якка-ягонам.

2011 й.

## УЛАР ГЎЁ ҲОТАМ...

Она, улар гўё Ҳотамдир,  
Билмайдилар недир яратик.  
Ғамлари пул, пуллари ғамдир,  
Эртаю кеч пул-ла ош-қатик.  
Бу дунёга келгани заҳот  
Пулни кўрган мовий кўзлари.  
Болалари йиғласа, ҳайҳот,

Пул бериб жим қилар ўзлари.  
Изларида чечаклар эмас,  
Пул сочилиб ётади, не тонг.  
Бу дунёнинг ўлчами пул деб  
Чор тарафга уришади бонг.  
Она, дарднинг бозори борми  
Сотиб олсанг ва ёки сотсанг.  
Бу ёлғончи дунёси дорми,  
Ўлим олди ўзни йўқотсанг.  
Яратганнинг уйи кўнгилни  
Кир қўллари юлқилаб отар.  
Бир бор тавба демаган тилни  
Ночор қолса, тийинга сотар.  
Она, улар одамлигини  
Унутгандан унутди бугун.  
Ғамлари пул, пул ғамлигини  
Унутгандир, руҳлари забун.  
Она, улар гўё Ҳотамдир...

2011 й.

## ЛОБАРГА

Ўткинчи дунёда, пурғам дунёда,  
Менинг бор бисотим, менинг ол юзим.  
Ҳеч бир куч илмдан бўлмас зиёда,  
Лобарим, гўзалим, малика қизим.

Қизим, бу дунёнинг савдоси бисёр,  
Уқисанг, уқисанг, кетмассан йитиб.  
Шоҳлар ҳам қолмагай оламда пойдор,  
Улуғлар боқийдир битиклар битиб.

Устознинг ўғитин қулоғингда тут,  
Алифбо ҳаётга илк қадамингдир.  
Оллоҳдан тилангум: бағринг бўлсин бут,  
Илм бу зулматда ёруғ шамингдир.

Устозга севимли бўлмоқ саодат,  
Саодат ёр бўлсин, толеинг кулсин.  
Яратган асрасин, бўлгин сарбаланд,  
Азизлар дуоси насибанг бўлсин!

2002 й.

## ҲОЛАТ

Қаттиққўллик қилдим, атайин,  
Кечир мени, Малика қизим.  
Душманларинг шодмон бўлмасин,  
Айрилиққа чида, юлдузим.

Ўттизимда отасиз қолдим,  
Тўрт тарафдан ҳужум қилди ғам.  
Оллоҳ дедим, мен чидай олдим,  
Энг яқиним юз ўгирса ҳам.

Ўттизингда бор бўла опсам,  
Маликасан тожу тахти бор.  
Мен дуодан бўшамам бир дам,  
Сенга ҳеч ким бермагай озор.

Болам, ҳаёт мусиқа эмас,  
Тўс-тўполон, телба-тескари.  
Бир-бирини тушунмаганнинг  
Ношукрлик топгани бари.

Мен борига шукр демоққа  
Куч топайин, топайин сабр.  
Имкон топгин ҳалол емоққа,  
Пул ғавғоси қилса ҳам жабр.

Қизим, дунё ҳамма вақт шундай:  
Тўғриларга тегирмон тоши.  
Аммо ҳаром титраган тинмай,  
Лаззатлидир ҳалолнинг оши.

Кечир мени, Малика қизим... 2011 й.

## БЎЛАЖАК ОЛИМАГА

Дилоромим, эй сулув гулим,  
Ифорингиз кўкка туташган.  
Волидангиз сизни авайлаб,  
Сочларига қировлар тушган.  
Сочларини ҳатто сабога  
Сийпатмаган афиғагинам.  
Сизни кузга тутмай асраса,  
Ўшал марддан қилмайман гина.  
Ҳам чақалоқ, ҳам китоб тутган  
Оқилани сийлагай оллоҳ.  
Она бўлинг, ризвон юз очгай,  
Олиманинг йўли гул-чорбоғ.

## ҚИСМАТ СУВРАТИ

(Туркум)

1

Мен узоқ яшадим, йигирма беш йил,  
Либоси сукунат бўлган талотўп.  
Шу тўфон ичида қолиб кетди дил,  
Кунларнинг пойига бош урибман хўп.

Билмабман: бу кунлар ўткинчи шамол,  
Этагин силкитиб кетиши тайин.  
Умримнинг буёғи бамисоли фол,  
Йўл борса келмас-ай, қандоқ қайтайин?!  
Мен узоқ яшадим...

2

Илоҳий каломни англамай-билмай,  
Мен узоқ яшадим, ерда кўп турдим.  
Боримни ер этдим мен сажда қилмай,  
Бошимни минг битта деворга урдим.  
Тунлари тепамда боболар руҳи,  
Ғафлатдан уйғота олмай йиғлади.

Бир кун дил кўзимни очди Илоҳим,  
Бу жоним бепоён ерга сифмади.  
Ўшал кун дунёнинг баш кунлигини  
Англадим, бу ёғи энди омонат.  
Англадим вужуднинг юпунлигини,  
Имоним, Манзилга бутун, омон қайт.  
Мен узоқ яшадим...

3

Шу жимит кўксимга тоғдай ғам солиб,  
Мен узоқ яшадим, узоқ яшадим.  
Кетсам ҳам бўлар-ку энди бош олиб,  
Титраб ҳам қўймагай дунёйи қадим.

Англадим: муҳаббат кўзда бўларкан,  
Бор сеҳру синоат сўзда бўларкан.  
Туғилган ҳар неки ўлимга маҳкум,  
Ҳар қандай туйғу ҳам бир кун ўларкан.

Севдиму, севилдим, армон не учун,  
Омонат дунёда омонат жоним.  
Минг шукур айлабон Ўзига бугун,  
Англадим: бақодур кутган жаҳоним.

Кутганим шоҳ эмас ва ё шаҳзода,  
Гадо ҳам, дарвеш ҳам эмасдир лекин.  
Мен кутдим, мен кутдим сабрим зиёда,  
Ҳу ана, Азроил келмоқда секин.

Азроил мен учун суюмли меҳмон.  
Меҳмонга боримни тўкиб-соламан.  
Сўнг кечиб ўтаман зулматни осон,  
Қуёшга боғлиқ нур бўлиб қоламан.

Мен узоқ яшадим, узоқ яшадим...

Кўнглимда бир ҳовуч нур бор, заминдош,  
 Қуёшнинг нурлари набира унга.  
 Кўзимда бир олам дур бор, заминдош,  
 Мен уни бермадим ҳаттоки кунга.

Дурларни яшириб мен дарё бўлдим,  
 Тошсам, ер суз ичра қолиб кетади.  
 Ҳар сафар сени деб нур бўлиб кулдим,  
 Энди ҳам кулмоққа бардош етади.

Тошмай деб баҳорни четлаб ўтаман,  
 Не учун бунчалар севаман кузни...  
 Оқибат орзумга бир кун етаман,  
 Қудратли кузакка топшириб ўзни.

Бир куни сарғайиб нурдай куламан,  
 Беадад заминга сингиб кетаман.  
 Сўнг қайта туғилиб чечак бўламан,  
 Пойингнинг васлига бир кун етаман...

Нечун тўлиб йиғлайсиз, она?!

Кўнглимни бир кам кўрдингизми,  
 Мужгонимда нам кўрдингизми,  
 Кўзларимда ғам кўрдингизми,  
 Парвонасиз шам кўрдингизми?!

Кўнгли бутун бўлганнинг, она,  
 Келар куни қайғую зордир.  
 Кўнгли камлик, бахтдан нишона,  
 Шу камликда тўқислик бордир.

Кипригимнинг ҳар бири ниҳол,  
 Кўзим – анҳор, ниҳоллар ўсгай.  
 Бир боғ бўлиб бир кун, эҳтимол,  
 Сизни қайғу селидан тўсгай.

Мени қайғу севади, шукур,  
Қайғу билан синалгай одам.  
Азоблардан топилгай бир сир,  
Бандам деса сарвари олам.

Мен шам эмас парвона учун,  
Зулмат бағрин ёритгувчи нур.  
Шам ёнида қисматим бетин,  
Ўз суратин яратаётир.

Нечун тўлиб йиғлайсиз, она?!

6

Тунлари дард билан йиғлабон сим-сим,  
Менга бахт сўраган мунисам, онам,  
Мен каби бахтиёр бўлмаган ҳеч ким,  
Бир куни шу бахтдан тўлгай паймонам.

Ахир ким қайғунинг минг бир хилини  
Тотиб ҳам мен мисол кула олгандир?!  
Ким билар дов-дарахт, хазон тилини,  
Мен каби ким дарё бўлиб қолгандир?!

Ким мендай танини тупроққа қориб,  
Дон каби кўкара олади, она?!  
Ким мендай дилида қаноти бор-у,  
Вужуди илдиз бўб қолади, она?!

Шундай бир саодат этмишдир ато,  
Яна бахт тиланмоқ ношукурликдир.  
Буёғи шу бахтга бўламан фидо,  
Иноят этгани ахир ҳурликдир.

7

Бир куни тўхтайман умримнинг ўлим  
Аталмиш қоронғу йўлакчасида.  
Бир янги дунёга тушади йўлим  
Ва қайта туғилгум бўлиб расида.

Ҳафтада яралган беш кунлик дунё,  
Номим-ку бағрингдан кетгайдир кўчиб.  
Қисматим суврати қололса, илло,  
Бу тасвир кўзингдан кетмагай ўчиб...

1992 й.

## САДРИДДИН САЛИМ ХОНАДОНИДА

Оёғинг босдингки остонасига:  
Олади ҳаяжон қалбингни ўраб.  
Тушуна бошлайсан қушлар тилини.  
Англайсан: бир бора бормабсан сўраб  
Тоқилар кўнглини, Минор дилини.

Оёғинг босдингки остонасига:  
Уялиб кетасан кибру ҳавонгдан,  
Бир мискин туйғудан кўзингда ёшлар.  
Эртаси жойнамоз устида тонгдан  
Лабларинг оятни пичирлай бошлар.

2005 й.

## ЙИҒИ

*(Устоз Садриддин Салим Бухорийга)*

Фаришталар самодан тушди,  
Бугун олиб кетарлар сизни.  
Юраккинам шундай увушди,  
Қилолмадик хизматингизни,  
Тополмасмиз изларингизни.

Сузиб борар бош узра тобут,  
Миноражон, сен ҳам елка тут,  
Кетиб борар бир иймони бут,  
Эй тоқилар, қилинг хайру хўш,  
Устоз қайтмас, бағрингиз бўм-бўш.

Гоҳ чидаб, гоҳ чидамайди жон,  
Нақ баҳорда қор йиғлар осмон,  
Эҳтимолки, қон йиғлар осмон,  
Устоз жони дардлашганмиди,  
Унинг улуғ кўнгли каммиди?!

Дунёсини ўткинчи билди,  
Бир дуоғўй тоғим йиқилди,  
Бухоронинг кўнгли тўкилди,  
Ўғитлари қон-қонимда бор,  
Қиёматга қолдими дийдор?!

Фаришталар самодан тушди...

2010 й.

### **ЙЎҚЛОВ**

*(Анвар Ҳайитовага)*

Илмнинг юртида пиёда юриб,  
Олимлик аршига етолган инсон.  
Беҳисоб дилларни забт айлаб туриб,  
Қирққа ҳам етмоққа топмади имкон.  
Улим бу – кўнгилни емиргувчи доғ,  
Не-не буюк ишлар топгайдир адоқ.  
Бағрига босганча азиз зотларни  
Муқаддас сифатин олгайдир тупроқ.  
Тузингни оқлади яна бир олим,  
Шонингга шон қўшиб кетди, Шофиркон.  
Ўлмагай шогирдлар қолдиролса ким,  
Олимлар – ер, вале, олимлар – осмон.

2009 й.

## САОДАТ

Уйга кирдим бўш юрак билан,  
Бўм-бўш хона хўмрайиб боқди.  
Секингина хўрсинди соям,  
Муз деворлар сув бўлиб оқди.  
Қандай яхши фикрсиз, бесўз  
Сурат каби жонсиз ўтирсанг,  
Деворни ҳам кўрмаса бу кўз,  
Бир чеккада қунишиб турсанг.  
Қандай яхши ёнмаса жонинг,  
Оёқ боссанг, санчилмаса хор.  
Е деб ноз-нуз қилмаса нонинг,  
Бу саодат яна кимда бор,  
Уйга кирдим бўш юрак билан...

## ЧИЗГИ

Қишлоқ йўлларидан қизлар боради,  
Сочлари уйларин супурар бу чоқ.  
Шамол ерда ётган упадан суртар,  
Офтоб акси урган чехралар олпоқ.

Қизлар пахта терса, тафтида қизиб,  
Шудринг салқин кўқдан тилайди паноҳ.  
Кетмон урса, трактор қолар ер чизиб,  
Шу қадоқ қўллардан олар у сабоқ.

Қизлар нон ёпади, ол юзларидан  
Тандирда нонларнинг бети қизарар.  
Қишлоқнинг ҳаёти довуччадай турш,  
Қизлар саратондай унга зеб берар.

Қишлоқ йўлларидан қизлар боради...

1989 й.

## ЁЗ ТАШРИФИ

Пичирлади кулоққа гилос,  
Олма юзи қизариб кетди.  
Дарддан сариқ бўлган ўрикнинг  
Оху зори ёзга ҳам етди.

Қиздирганда қиздирди қуёш  
Яшил юзи қизарган анор.  
Тилло бўлди узумлар бош-бош,  
Рашкли анжир – нофармон дилдор.

Меваларнинг бозори қизгин,  
Қовунларнинг бағри тилинди.  
Ёзнинг ёши ўтганлиги чин,  
Куз ташрифи секин билинди.

Етмиш минг ранг ял-ял товланар,  
Камалак ҳам уялар пинҳон.  
Гўзалликка ҳужум бошланар,  
Сариқ куйлак кийдирар хазон.

Қишга кўнгил бермоқ истамай  
Куз келдими, кузак келдими?  
Рангни рангдан ажрата олмай  
Йиллар оқиб кетмоқда, ҳай-ҳай...

2011 й.

## МАНЗАРА

1

Шивир-шивир қилади ёмғир,  
Само дарди ерга сочилар.  
Маъюс боқиб турган самонинг  
Йиғлаб-йиғлаб рўйи очилар.  
Куй чалади дарахтлар сокин,  
Унга гуллар жўр бўла бошлар,  
Юрагимга киради эпкин,  
Юрагимдан чиқар қуёшлар,  
Шивир-шивир қилади ёмғир.

2

Чирт-чирт этиб, банди узилиб,  
Барглар дувва-дувва тўкилар.  
Маъюс турган дов-дарахтларнинг  
Кўз ёшига ўхшайди улар.  
Ёмғир каби шитирлар барглар,  
Заъфарондир заминнинг юзи.  
Еру кўкка сиғмайди дардлар,  
Барглар – дарахтнинг дардли сўзи.  
Ер юзига урилар сўзлар,  
Дардкаш ернинг юраги оғрир.  
Фарзандининг гиналарини  
Тинглаш она-ер учун оғир.  
Чирт-чирт этиб, банди узилиб,  
Барглар дувва-дувва тўкилар...

3

Ҳижрондай сап-сарик, ҳижрондай сулув  
Япроқлар тўшалар ернинг устига.  
Кимлардир гиламни кетади топтаб,  
Кимлардир термулар тўймай ҳуснига.  
Бир маҳзун кайфият дилга қўнади,  
Бир маҳзун кайфият кўздан тўкилар.  
Азоблар, оғриқлар хатга дўнади,  
Ҳижроннинг хатлари кўздан ўқилар.

Ҳижрондай сап-сарик, ҳижрондай сулув  
Япроқлар тўшалар ернинг устига ...

4

Тўйиб-тўйиб йиғлади осмон,  
Қайғусини тўкди то сахар.  
Кўнгли тўлиб “уф” лаб юборди  
Шовқинлардан зериккан шаҳар.  
Мен-чи, тонгни қаршилаб бедор,  
На йиғладим, на кула олдим.  
Арчаларга термулиб ночор,  
Жийдаларни соғиниб қолдим.  
Дардларимни юволмас ёмғир...

1990 й.

### ТАЛАБАЛИК

Қишлоқ йўли. Дала. Қабристон.  
Ранглар қизил. Ранглар заъфарон.  
Қулоғидан чўзар пахтанинг  
Баҳор бўлиб кулган ўттиз жон.

Ёмғир. Дала. Шалаббо вужуд.  
Тупроқ ҳиди. Телба ел елар.  
Елкасига кузни кўтариб  
Ҳорғингина баҳорлар келар...

1992 й.

## ОҚ ШЕЪРЛАР

Тут мисоли тўкилган сирни  
Титиб-титиб ютди товуклар.

\*\*\*

Сен нега сарғаймайсан, арча,  
Гулламайсан, боиси шуми?!

\*\*\*

Гунча эди, кўп сирли эди,  
Мафтун эди не-не нигоҳлар.  
Шодлигидан кетди очилиб  
Ва ҳайҳотки, сўла бошлади,  
Билмасдики, тириклик – асрор.

\*\*\*

Думига ғалвир боғлади тулки,  
Инга кирди, бу инга сиғмовди сичқон.  
Бўри қуёнларни бурдалаб еди,  
Ўқчиб юборди оҳу – оғзи тўла қон.  
Муҳаббатим фарзанд қилиб нафратни туғди,  
Мен уни қандай ўлдирай, онажон?!

\*\*\*

Узумга бўйи етмай,  
“Пуф, сассиқ”, – деган тулки,  
Энди ишком ичида  
Ўтирма оғзинг очиб.  
Узум олма эмаски,  
Тушса бир кун узилиб...

\*\*\*

Осмон совчи бўлиб келди,  
бермадинг, она,  
Муаллақ турмоқлик беимкон дединг.  
Бир лаҳза камалак бўлиб яшнардим,  
берсанг.

Замин совчи бўлиб келди,  
бермадинг, она,  
Кўмилиб кетишинг кўп осон дединг,  
Кўкариб, дарахт бўла бошлардим,  
берсанг.  
Сувга бердинг,  
беқарор сувга,  
Топ-тоза-ю ва лекин қувга.  
Бағрида кўринмай кетганим камдай  
Тошларга урилиб, жоним мисли чўғ.  
Милдираб тураман кўзида ғамдай,  
Оқизиб кетмоқда керакманми, йўқ...

\*\*\*

Тилингни чиқариб мазах қиласан, ёлғон,  
Ахир бола эмассан-ку, кечирсам, илон.  
Уят кўздан билинар, сенда йўқ қабоқ;  
Уятдан пирпирар киприк йўқ мутлоқ,  
Тилингни чиқариб мазах қиласан, ёлғон!

\*\*\*

Асраб-асраб, авайлаганинг  
Илон экан совуқдан-совуқ.  
Шундай совуқ,  
шунчалар совуқ,  
Бармоғингнинг бир учи тегса,  
То қиёмат қоласан музлаб.

\*\*\*

Ҳайратангиз феъллинг бор, Осмон,  
Нуқул Ерга қовоқ қиласан.  
Биласан-ку, кўз ёшларингни  
Артадиган ёлғиз шу – замин.

\*\*\*

Кулма,  
Кўз ёшимга чўкиб ўласан...

\*\*\*

Дунёдаги энг захри қотил  
Илон оғусидан тотисам девдим.  
Билар эдим сизнинг тилингиз  
Уникидан аччиқми, ширин?

\*\*\*

Чўкаётиб хасга илиндим,  
Дод дедингиз: "Қўлингдаги – хас".  
Золимгинам, гар айтмасангиз  
Оғринмасдан чўкар эдимми?!

\*\*\*

Сен дарахтга ўхшайсан, аёл,  
Истаса, баҳорга беради тақдир,  
Истаса, мевангни олади қоқиб,  
Истаса, тўрт фасл гуллайсан фақат.  
Истаса, истаса...  
Дарахтнинг истагин шамол эшитгай.

\*\*\*

Қишда оппоқ гуллаган бодом  
Ёзга келиб сарғайиб кетди,  
Куз келганда нима қиларкин?!

\*\*\*

Тасалли излайсан: сен бир ожиза,  
Суяна бошлайсан  
Орқа тоғингга.  
Тоғинг-да нурайди,  
Сендан-да ожиз.  
Кетасан тўрт томон қибла.  
Шарқу Ғарб чопқилаб келади  
Дилтанг,  
Шимолу Жануб ҳам шошиб югурар,  
Қарайсан:  
тўрт девор совуқ кулади,  
Бахтсизман демоққа журъатинг етмас.

\*\*\*

Кўтара олмайсиз кўнглимни,  
Истагингиз,  
Имконингиз йўқ.  
Чунки кўнглим Ердан каттароқ,  
Осмондан ҳам бепоён кўнглим,  
Кўҳиқофдан оғирлиги рост.

\*\*\*

Кипригимга ўйнаб кўнган қор,  
Сен не эдинг, аввал не эдинг?!  
Бир ҳалолнинг манглайида тер,  
Ё тупроққа сингиган кир сув,  
Ё гўзал қиз кўзидаги ёш?!  
Сен не эдинг, аввал не эдинг,  
Сочларимни ўпаётган қор?

\*\*\*

Гул бўлишнинг ўзи саодат,  
Аммо қийин, тиканга қийин.  
Яхши-ёмон бирдай қочади,  
“Оллоҳ уни шундай яратган”, —  
Дея унга боқувчи зот йўқ.

\*\*\*

Кўнглим чил-чил синаверади,  
Синаверар ҳар лаҳза, ҳар кун.  
Кўрқар эдим тугар деб бир кун.  
Тугамади, осмондай кенгми,  
Бу жисмимга қандай сиғган у,  
Синиқлари қани, қаерда?!

\*\*\*

Бу фоний дунёни қандай севайин,  
Мен учун азизлар бирма-бир бундан  
Кўл силкиб кетсалар ломакон сари.  
У дунё кўшида курсалар суҳбат,

Суҳбатки, мен учун жон қадар азиз,  
Суҳбатки, бу дунё орзулаб ўтар.

\*\*\*

Кўнглимни очсайдим,  
Эҳ, очолсайдим,  
Бепоён лолазор ичра кўмилиб,  
Кўнглимнинг қонидан қониб очилган  
Лолалар юзига юзингиз босиб,  
Эркалик тусарди кўнглингиз сизнинг  
Кимсасиз саҳрода кўкарсин ёки  
Пойингиз остида эзилсинми ё.  
Кўнглимнинг қонидан  
кўкарган лола?!

\*\*\*

Соғинчнинг  
Йўлдай узун сочларини  
армон ўрди.  
Соғинчнинг кўзлари тун,  
Кўзига дард сурма сурди.  
Киприklarин ердан кўтариб,  
Сулув бўлиб, бир сулув бўлиб  
Сиз томонга кетди соғинчим,  
Буткул ёлғиз қолдим-ку,  
Ёлғиз!

\*\*\*

Юрагим ғаш,  
ҳиссиз ўтираман, бефикр.  
Кўзим беёш,  
сўзсиз ўтираман, безикр.  
Юрагим тош...

### “ШОИР”ГА

Бижғиган қўшиқнинг  
сармаст соҳиби

Минг йилким шеърият қасрин айланиб,  
Кириш эшигини очолмас,  
Аммо  
Ул ҳарир боғлардан лоф уриб яшар...

\*\*\*

Сиз менга севаман деманг,  
Бўлмаса,  
Хотиржам ухлайман соҳир боғларда.  
Ғофиллик девлари кўнглимга кириб,  
Ўғирлаб кетади бисотингизни.

\*\*\*

Гўёки худосиз,  
тўсасиз йўлимни,  
Дағдаға қиласиз сиз улуғ одам.  
Оғритиб қўясиз кўнглимни,  
Тасалли берасиз “боқарам”.  
Мен эса термулиб боқаман баҳорга:  
Бошқа баҳор, бутунлай бошқа,  
Ўриқларнинг гули ҳам янги,  
Қадам янги, саломлар янги,  
Сиз на янги ва на эскисиз,  
Ўзингизча гўё худосиз...

\*\*\*

Югурсам, тер тўксам,  
Унутсам роҳатни,  
Шодликни,  
Ўзимни.  
Фақат қайғурмай яшаса теграмдагилар,  
Шунда тинч яшашга  
имконим борми?!

\*\*\*

Шундай кенги бу дашти ёбон,  
Ўлсанг бўлар бундай кенгликда.

Ўлиш мумкин истаган жойда,  
Бир қарич ер муаммо эмас.

\*\*\*

Чақиб олмоқликка етмас имкони  
Ва лекин йўлимда турибди илон.  
На илон кетади йўлимдан бир пас,  
На ваҳм кетади дилдан, онажон.

\*\*\*

Қайғу асл уйимдир, лекин  
Харобадир, кошона эмас.

Одамлар айб этмасин дея  
Шодликнинг уйида ижарадаман.

\*\*\*

Кўзларим сотқин бўлгани етмаганидай  
Юрагим сотқин менинг.  
Дўст-душманга сотаверади,  
Сотқинлар-па яшайпман-а?!

\*\*\*

Кўнглингизнинг кўзи бўлсайди,  
Йиғлар эди кўнглимга қараб,  
Кечирмасди ўзини асло.

1988-2011 й.й.

## ЮРАГИМ БУРДАЛАБ

Юрагим бурдалаб, чайнар “бокарам”,  
Сўнг кўзим ёшини ичар иршайиб.  
Бу қандай махлуқот, сурати одам,  
Ярадор иблисдай ғазабнок, майиб.  
Бу қандай ўйинки, маймунлар тўпи  
Эрмакка бузарлар қушлар уйини.  
Мен эса шунчаки сокин гўшада

Тингламоқ истовдим "Дугоҳ" куйини.  
Минг битта илонинг бақрайиб боқар,  
Чаёнким, чақмаса умридир адо.  
Заҳари қонимда шовуллаб оқар,  
Паноҳ бер, бандам де, ё қодир худо!

2008 й.

## ИЛОН БИЛАН СУҲБАТ

Эй илон, дилимни чақмоқ истадинг,  
Кўрсатар эдимми илонга дилим.  
Сенда ҳам қалам бор, ёзмоқ истагинг,  
Ҳовлиқма, сен билан туташмас йўлим.  
Мен инсон, оралаб юрганим гулзор,  
Дарахтлар сирига тутарман кулоқ.  
Сен тунда судралиб кезасан мозор,  
Изингдан сўқмоқлар юзларида доғ.  
Кўзимга боқасан хурсанд, совуққон,  
Илоннинг кўзида нур бўлармиди?!  
Йиқилсам лой узра, оғринсам ёмон,  
Шу илон юрагинг бир тўлармиди?!  
Эвоҳки, инсонман, гоҳида кўркув,  
Илонлик ваҳиманг жонимни ёқар.  
Муддаонг шу эрур: умрим камайсин,  
Умрим интиҳоси мен томон боқар.  
Наслинг-ку бақадан қорнин тўйдирар,  
Жонимдан чақдинг сен, ҳисоблар тенгдир?!  
Сени-чи аламнинг ўти куйдирар,  
Қалдирғочим омон, осмоним кенгдир!

2011 й.

## ҚИЁС

Ич-ичимдан бўламан қойил,  
Сиз сезгирсиз илонлардан ҳам.  
Сиз севгимга эмассиз нойил,  
Нолойиқсиз нафратимга ҳам.  
Шуни билиб оғрир жонингиз,

Фақат ортдан отгайсиз-да тош.  
Мен жилмайиб боқаман гоҳо,  
Гоҳ кўрасиз кўзларимда ёш.  
Биз инсонмиз, ўхшаймиз бесўз,  
Фарқимиз ҳам борлиги равшан.  
Тутаб, куйиб ўтар умрингиз,  
Олов бўлиб ўтадирман ман.

2007 й.

## СОЧМАЛАР

Хайру хўш қилмадингиз.

Гуноҳ ботқоғига ботиб бораётган осийга кўз қирини ташлашни раво кўрмаган авлиё сингари эдингиз. Шу дариф тутилган нигоҳ боис тавба қилди дилим. Шу дариф тутилган нигоҳ боис мен ночорни сиз эмас, яратган мағфират қилди.

Хайру хўш қилмадингиз.

Озор дарёсига чўктириб кетдингиз. Энди осийлигим чин. Негаки, мен ўзимнигина эмас, ҳали ёлғон дунёни кўрмаган бегуноҳ бир жонни ҳам қутқармоқни истамай, чўкяпман. Сиз эса бу икки жонни бирдан домига тортадиган дарё тошишини билмайсиз. Билмайсизки, тошқин биринчи сизни тортиб кетади. Билмадингиз, нетайки, хайру хўш ҳам қилмадингиз...

\*\*\*

Ҳеч кимни кўргинг келмайди. Ўзингни ҳатто. Кўз ёшингни ичга ютмоқ азоби етмагандай кулиш азоби бор елкангда. Куласан. Ўлаётган одам лабида қотаётган табассумга ўхшаб қолади кулгунг. Куласан... Илк бор кулишга чоғланган чақалоқникига монанд энди бу кулгинг. Негадир ўлимни соғиниш гуноҳ туюлиб кетади. Энг яқин одаминг дариф тутган меҳр вужудингда улғайиб бораётганлигини ҳис қиласан-у, бахтиёр бўлиб кетасан. Барибир ҳеч кимни кўргинг келмайди, ажабо, ўзингни ҳатто.

\*\*\*

Яшаш – эрмак, одамлар – эрмак, эрмак дунёси... Ҳеч кимга керак эмаслигини англаб туриб яшашга мажбурликдан даҳшатлироқ азоб йўқ. Ҳолбуки азоб рангин, роҳатнинг либоси нечоғли кам бўлса, уқубатнинг кўйлаги эрмаклигини англадинг. Кулгинг келди. Кулдинг. Кулгунинг ўткинчилигини хотирлаб, жим қолдинг. Ўшандан буён жимсан. Тубида гирдоб қайнаётган дарёдай сокин оқаверасан. Манзил ҳали ноаниқ. Ана шу ноаниқлик, гоҳо гирдобнинг юз очиб қолиши нақадар ожиз эканлигини кўз-кўз этади. Ожизлангандан ожизланиб бораверасан. Билмайсанки, ана шу ожизлик сени оллоҳга суюмли қилади. Ана шу суюмлилик ортида ястаниб ётади ўзлик салтанати. Аммо қайси банда, қайси улуғ зот ўзлик салтанатини тўла кеза олди экан?! Ахир ўзлик салтанати яратган эгамнинг қудрати қадар чексиз-ку!..

\*\*\*

Бирдан қадр талаб қилиб қолдинг... Қадр – худбинликнинг хушрўй қизи. Ана шу қизнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб термулган кўзинг қамашди-ю, атрофни кўрмай қолдинг. Зулмат билан зиё қовушди. Қадрнинг волидаси худбинлик эканлигини ақлинг зўрға уқтирди дилиннга. Ярқ этиб кўзинг очилди. Ахир аёлнинг қисмати хўрланиш эканлигини, шу хўрланиш ортидан суюкли бўлишини англаётирсан-ку. Лекин сен тақдирга тан бераётган эсангда, суюкли эмассан. Ана шу хаёл сени барибир қадрга банди айлайверади. Кўзинг очилса-да, сен қадрга қулсан, афсус...

1995-1996 й.й.

## ТҮРТЛИКЛАР

Янтоқни ҳидладим, ифори нафис,  
Гуллари қимтиниб лабларин жуфтлар.  
Сиз нега ҳайратдан ёқа ушлайсиз,  
Атиргул ҳидига ўрганган дилбар?!

\*\*\*

Нотанти дунёда танти бўл, эй дил,  
Сен ёлғиз оллоҳга банди бўл, эй дил,  
Ҳашамга қул бўлган кўнгиллардан қоч,  
Омонат дунёга асрандисан, бил!

\*\*\*

Ёлғон туғар ёлғончаларни,  
Ёлғончалар ёлғон бўлади.  
Ёлғончилар кунда бир ўлар,  
Ҳақ деганлар бир бор ўлади.

\*\*\*

Чўчибгина сузар балиқлар,  
Одамларни кўрсалар агар.  
Ҳайвонот не, балиқлар нима,  
Одамлардан кўрқар одамлар.

1988-2004 й.й.

## ФОЛ

Лўли қиз бахтдан фол кўрар, жаврайди,  
Ўзи ҳам ишонар айтган фолига.  
Ул жоду кўзлари билан аврайди,  
Не солиб кетарман тўлмас қопига?  
Бу айри чизиқнинг нимадир сири,  
Бу чалкаш йўллар, айт, кимни йўли, қиз?  
Менинг кафтларимда кимнинг тақдири,  
Мен кимнинг кафтида, айтгил, лўли қиз?

1987 й.

## ШЕЪРГА АЛИШДИМ...

Сизни деб дунёдан кечаман, девдим,  
Қийноқлар тугунин ечаман, девдим,  
Дўсту ёв оғусин ичаман, девдим,  
Шеър айтдим, сиз парво қилмадингиз-а,  
Орзумни йиғлатдим, билмадингиз-а,  
Билманг-а, билманг-а, билманг, ғофилим,  
Йиғланг-а, мен Сизни шеърга алишдим.

Азобнинг уйидан қалб топди паноҳ,  
Сўзларим гуноҳкор, ўзим беғуноҳ,  
Қалбдаги қорда бор изингиз, эвоҳ,  
Сиз ниҳон меҳримни фош қилмадингиз,  
Кўзларим асрорин, эҳ, билмадингиз,  
Билманг-а, билманг-а, билманг, ғофилим,  
Йиғланг-а, мен Сизни шеърга алишдим...

### 2

Ялдо оғзини очиб ютади орзумизни,  
Тилагимиз кўкини тутар қоп-қора булут.  
Оқ куйлақда турибмиз, чақмоқ уради бизни,  
Кўксимизда бир фиғон, чиқар олов эмас, дуд,

Тилагимиз кўкини тутар қоп-қора булут,  
Дунё бўлди шалаббо, бунча шўр экан ёмғир.  
Осмон пўписасидан титради ҳатто тақдир,  
Оқ куйлақда турибмиз, чақмоқ уради бизни.

Кўксимизда бир фиғон, чиқар олов эмас, дуд,  
Вужуд муздир, ёлқинни асрай олган фақат кўз.  
Юракда бир сўз ёнар, ёмғирда намиққан сўз,  
Кўксимизда бир фиғон, чиқар олов эмас, дуд,

Ялдо оғзини очиб ютади орзумизни...

1988 й.

## КЎНГИЛ ТОР...

Кўнгил тор,  
Уй тор, кўча тор, шаҳар тор, Ер тор,  
Осмондан кенг бўлолмайди ҳеч қаер.

"Торга тор,  
Кенгга кенг дунё", – деган гап бекор,  
Осмондан кенг бўлолмайди ҳеч қаер.

Одам осмонга ҳам чиқса уч бор  
"Осмон тор", –  
Дер эди, тор бўларди осмон деган ер.

1992 й.

## ТАШРИФ

Кўнглингизни равшан этиб тонглар отсин,  
Қалбингизнинг қуёшини тонг уйғотсин.  
Наҳор бўлиб кириб борай уйингизга,

Лабларини қимтиб турган пок куртаклар,  
Айтиб берсин сизу менга оқ эртақлар.  
Баҳор бўлиб кириб борай уйингизга,

Дилингизнинг чечаклари шеърталабдир,  
Баҳорий тонг чечакларни эркалабдир.  
Ашъор бўлиб кириб борай уйингизга,

1991 й.

## БИР КУН

Ожизалик тошлоқларида  
Тилим-тилим бўлди жаҳоним.  
Кўзингизнинг қароқларида  
Қолиб кетди мусаххар жоним.

Кавокибдир қароқларингиз,  
Сиз нур бўлиб кўкка кетган хур.

Мен – оймомо бўлолмаган қиз,  
Бир кун кўқда топаман зухур.

1992 й.

## ТАҚДИР

1

Сизу мени боғлаган расан;  
Тугунлари қошларим аро.  
Эй кўнгилни айлаган ватан,  
Биз соҳилмиз, ёшларим – дарё.  
Чок-чокингдан сўкилавер тан,  
Ипни тугун этма, қалдирғоч.  
Қай комилни сиғдирмиш ватан,  
Ватан кимни айлабди ихрож.  
Комилгинам, сиғмайсиз дилга,  
Бадарға ҳам этолмам ахир.  
Битта жонни бўлгач иккига,  
То қиёмат бир этмас тақдир.

2

Бизни айро айлади тақдир,  
Тақдир – ўзим, тақдир – ўзингиз.  
Дилни вайрон айлади қодир,  
Қодир – ўзим, қодир – ўзингиз.  
Гулжабиннинг ёзиғи надир,  
Надир ўзим, надир ўзингиз?  
Бизни айро айлади тақдир...

1993 й.

## АЛВИДО

Бир куни сиз мендан кетсангиз керак,  
Айрилиқ мавсуми бошимиздадир.  
Ўшал кун сочилиб кетади юрак,  
Пешонам шўрлари ёшимиздадир.  
Бир куни йўлимиз тушади айро,  
Мен – борса келмасни танлаган кенжа.

Тўнғичдай не учун турасиз ҳайрон,  
Алвидо, то маҳшар юз кўришгунча!..

1993 й.

### **БАРЧАДАН КУЛУВДИМ**

Барчадан кулувдим, юрагимда муз,  
Баҳорлар қайтдилар келганида куз,  
Малика эмасдим мен саҳройи қиз,  
Билмайин кўнглимни султонга бердим.

Куйладим, султонга куйим етмади,  
Ўйладим, ул жонга ўйим етмади,  
Фурури осмонга бўйим етмади,  
Умидим гулини хазонга бердим.

Кетмоққа шайландим, қолар бўлди жон,  
Совиди етмиш минг томиримда қон,  
Кўз ёши тўкмадим, ичимда уммон,  
Кўзимнинг ёшини осмонга бердим.

1991 й.

### **КўНГЛИМНИ УФҚА БЕРДИМ**

Қон қусган кўнглимни уфққа бердим,  
Осмоннинг бурни-да қонади дилдош.  
Изингдан азобнинг гулини тердим,  
Мен – замин кўзидан тирқираган ёш.  
Кетаман танимни тупроққа қориб,  
Бу зиндон жисмдан қутилар кун бор.  
Оллоҳим, бир жонни паноҳингга ол,  
Самога ўрласин бир тутам анвор.  
Қон қусган қалбимни офоққа бердим...

1992 й.

## ҲЕЧ НАРСА

Ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нима ахир,  
Ул ақраб ойида ўкраган осмон.  
Мужгонни ўпганча қулаган ёмғир,  
Шалаббо вужудда қуппа-қуруқ жон.

Бир қушча кўксига қамалган бир оҳ,  
Эркинлик нашъасин тотмагай бир қур.  
Борлигу йўқликнинг маҳрами нигоҳ,  
Барибир сўзига баробар умр.

Ҳеч нарса...

1994 й.

## БОТМАЙ ДЕБ...

Ботмай деб қуёшдан даст тутди жоним,  
Вужудий оламнинг ботқоқларига.  
Жонимни қутқариб ҳур этган оним,  
Куз кирди руҳимнинг чорбоғларига.

Кузакли қисматдан қулайми, айтинг,  
Ё бошим эгайми ожиза мисол.  
Кўнглимнинг гулларин юлайми, айтинг,  
Аста бош кўтармиш ғийбатчи шамол.

Кўзимга чизилган суратингизни  
Ғаюрлар кўрибдур – аҳли қуфурот.  
Кўнглимнинг кўзига яшириб сизни  
Девларга дилимни бермам умрбод.

1994 й.

## ИЛОҲИЙ ТУЙҒУ

Бир илоҳий туйғуни туйдим,  
Покизалик кўрсатди чирой.  
Уни дилга беркитиб қўйдим,  
Асроримни сотиб қўйма, Ой,  
Бир нур кўрдим, вужудимда ўт,  
Куйиб кулга айланди бардош.  
Энди кўкка ўрлар анкабут,  
Қуёш ғарбдан кўтаради бош.  
Илоҳий роз манзили – кўнгил,  
Уни вайрон этмасдан жаҳон,  
Ёрлиғингни келтир, Азроил,  
Энди кулиб бера олгум жон.  
Бир илоҳий туйғуни туйдим...

1994 й.

## ЁЛҒИЗЛИҚДАН ЁРИЛИБ ЎЛМА

Ёлғизликдан ёрилиб ўлма,  
Ҳаммасига ўзингсан айбдор.  
Қўшиқ айтгин, гуссага тўлма,  
Кўз ёшингни кўрмасин ағёр.

Нафрат билан қарама ахир,  
Сендан яхши ҳар битта одам.  
Кўзинг қотил, сўзларинг тахир,  
Сенга ким ҳам бўларди ҳамдам.

Ҳаққинг йўқдир куйламоқликка,  
Ёлғизликни ўзинг чорладинг.  
Юрак, энди ўзинг қўшиқ айт,  
Узилгунча бори торларинг.

1990 й.

## ЭЪТИРОФ

Сен мени соғиниб шеър ёздинг бугун,  
Кўксингда ўйғонди маъюс кўзларим.  
Ялдодан узунроқ туюлди бу тун,  
Сатрингда кўз очди сокин сўзларим.  
Бир боқдим ёввойи ётсираш билан,  
Етти ёт бегона мендан-да авло.  
Оллоҳга ялингин, оллоҳга тилан:  
“Бундаин қарашдан асрагин, худо!”  
Сен фақат билмайсан ўшал бокира  
Меҳринг илдизига кўксимдир ватан.  
Мен уни ўстирдим кўксимда, қара,  
Қуримас то юрак тўхтамас экан.  
Бу меҳр сувдан пок, қуёшдан иссиқ.  
Кирлангай сен кўрсанг, ҳатто мен кўрсам.  
Нигоҳлар чўғига солиб исириқ,  
Тутатгум, ҳар недан асрасин эгам!  
Сен нима ул тоза меҳр олдида  
Ва мендан қадрли бир ҳовуч тупроқ.  
Заҳару асалдай кунлар осуда,  
Сен мени кўрмай ўт, юлдузларга боқ!  
Мени-да соғиниб шеър ёздинг бугун...

1994 й.

## ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАРДА

Ялли, ялли, ялола эдим,  
Кўз ёшлари шалола эдим.  
Марваридни яшириб дилга  
Тоғдай-тоғдай ғамларни едим.

Ялли, ялли, ялола эдим,  
Мунгнинг қизи – оҳ-нола эдим.  
Оҳ-нолани яшириб дилга  
Тоғдай-тоғдай шодликни едим.

Ялли, ялли, ялола эдим,  
Мен одамми, ҳилола эдим.  
Ҳилолани яшириб дилга  
На шодликни, на ғамни едим.

Ялли, ялли, ялола эдим...

1994 й.

### ЗИДЛИК

Тўйда аза, азада тўй бор,  
Борса келмас томон йўл бурдим.  
Ташвиши мўл, бисоти озор  
Дунёсида кўп узоқ турдим.  
Ўлим мени куттириб қўйди,  
Куттирсамми энди уни ҳам.  
Дил-дилимни йилларми ўйди,  
Қирққа қолди яна тўрт қадам.  
Акраб ойи. Маъюс хазонлар,  
Булутли кўк дилимга маҳбуб.  
Ортга қайтмас суюмли онлар,  
Қарзим кўпми, ё қарзингиз кўп.  
Утган онга ўқиб қасида  
Ўйловлардан, тўғриси, толдим.  
Туғилган кун бўсағасида  
Мен ўлимни соғиниб қолдим.

2004 й.

### КЕЛСАНГИЗ

Келсангиз, кўзимга яширай сизни,  
Кипригим Искандар девори каби.  
Топмагай яъжужлар изларингизни,  
Эй, илоҳ кўнглимга юборган наби.

Келсангиз, сўзимга ўзни яширинг,  
Азроил каломнинг жонин ололмас.  
Нуҳ янглиғ тўфоннинг ичига киринг,  
Сўзимга тўфонлар хатар солалмас.

Келсангиз, ўзимга яширай сизни,  
На сиз “сиз” бўлинг-у, на мен “мен” бўлай.  
Заминдан ажратиб бўлмас илдизни,  
Сиз замин бўлсангиз, илдизга дўнай.

Келсангиз, рўзимга яширай сизни...

1995 й.

## ШУ МОВИЙ ОСМОНДАН...

Шу мовий осмондан андоза дилим,  
Юзимнинг қизили шафақларга ранг.  
Уфққа термулинг кун ботарда жим,  
Сиз тунлар ул сирли самога қаранг.

Кўкдаги кавокиб кўзимга қиёс,  
Юлдузни билгувчи эй мунажжимим.  
Сизни ёд этмаган лаҳзаларим оз,  
Ёмғирлар айтсинлар кўздаги сирим.

Эй, мени йўқотиб қўйиб заминда,  
Самодан излаган соҳибқироним.  
Билмайсиз замину осмонлар менда,  
Бир мўъжаз оламни яширган жоним...

1995 й.

## ТАЛАБА ЙИГИТ СЎЗИ

1

– Гулим, сени олиб кетарлар,  
Юрагимни юлиб кетарлар.  
Куйиб кетсин икки жаҳони,  
Бир вужудни икки этарлар.  
Ойга қара, золим бу фалак  
Ўшани ҳам яримта этмиш.  
Сўнг ҳилолга термулиб ҳалак,  
Кўк ўзи ҳам қораяр эмиш.  
Ҳилолдайин турган гулим-ай,

Зулумотга ботиб кетмагин.  
Яшнаб тургин ойдаи тўлиб-ай,  
Мен бахтсизга раҳм этмагин.  
Муҳаббатнинг азасида тўй  
Қилган ота-онангни кечир.  
Сен бахтли бўл, эсламагин, қўй,  
Кўнгил, гулим, бу ёғи тақдир.

2

Май суз, дўстим, юрак куйди-ку,  
Шароб дардни олиб кетади.  
Дунё мени ичиб қўйди-ку,  
Мен шаробни ичсам нетади?!

3

Ўйнадим...  
Ўйнадим, ўртаниб ўйнадим,  
Энкайиб ўйнадим, жоним-ай.  
Ўйнадим, айланиб ўйнадим,  
Томирда ўйнади қоним-ай.  
Ўйнадим, заминнинг кўксини  
Тепкилаб-тепкилаб эздим-ай.  
Булутлар қоплади кўкини,  
Замин "оҳ" деганин сездим-ай.  
Шунда ҳам тўхтамай ўйнадим,  
Бир тўйда чарчасам нетади?!  
Ўйладим, тўхтамай ўйладим,  
Менсиз у қайларга кетади?!  
Ўйладим...

4

Эрта мени кенг Бухоронинг  
Тор кўчаси бағрига олар.  
Бир вақтлар иккимиз юрган  
Йўллар менга қовоғин солар.

Ёнидаги гулрўй қани деб  
Дарахтларнинг кўзида ҳайрат.

Лабиховуз тутлари эса  
Маъюсгина бош чайқар фақат.

Минораи Калон тушунар,  
Лайлак мисол учиб кетдинг сен.  
Саваб-саваб ёмғир ҳам тинар,  
Айбим: сени сақлолмадим мен.

Сенингсиз мён ер каби жимман,  
Осмон каби хуршиди ниҳон.  
Сенга иқбол тилаб Чор Минор,  
Тиловатлар қилмоқда, инон.

Инон, жуда бахтли бўласан,  
Тушга ўхшаб қолар бу кунлар.  
Кўникасан, кўниккум фақат,  
Жабрдийда қалбдаги гуллар.

Сен қизил гул экдим, дегандинг,  
Униб чиқмиш сариқ чечаклар.  
Ким уларни ҳидлайди энди,  
Ким улардан тинглар эртақлар.

Мен дилингга гуллар экувдим,  
Очилмасдан сўларми энди?!  
Дилинг гулзор бўлади дедим,  
Гул экувчи бўларми энди?!

## 5

Сендан менга қолгани армон,  
Сочларимнинг орасида оқ.  
Мендан сенга ҳеч не қолмасин,  
Унут мени куйлаги оппоқ.  
Сендан менга қолгани фиғон,  
Юрагимда қизил гул -- яра.  
Мендан сенга ҳеч не қолмасин,  
Унут мени, кўзлари қора.  
Сендан менга қолгани фиғон,  
Пешонамдай шўрлаган тупроқ.

Мендан сенга ҳеч не қолмасин,  
Унут мени, кўзлари мунчоқ.

Унут мени...

1994 й.

### КЕТСАМ ГАР

Кетсам гар иложсиз, қўлимни силтаб,  
Кўзимни бермайди синашта йўллар.  
Боламнинг қўлидан тутуди йиғлаб,  
Ҳали у термаган ёввойи гуллар.

Гулламай қўяди мен қурган бодом,  
Тутундан қораяр бағри тандирнинг.  
Кундузнинг юртини босиб олар шом,  
Кўзлари кўр бўлиб қолар тақдирнинг.

Кетсам гар...

1997 й.

### СОҒИНЧ

Тонгги тиловатимни етказсин анбарнасим,  
Кўзим кўкидан кўчган ул абри найсон айтсин.  
Юлдузингизга боқиб, кўкка келар ҳавасим,  
Сизни соғинганимни мунаққаш осмон айтсин.  
Мужда тиладим елнинг оёғига йиқилиб,  
Ҳажрингизни бомдодда кўзимга сурма этдим.  
Гардунвор хаёлингиз ипларига осилиб,  
Кечиб висол баҳридан, ҳижрон Аршига етдим.  
Осмон юзини тутар дилимга қамалган "оҳ",  
Айрилиқ рақс айлади кўнглимнинг яросида.  
Тушимни ниҳон этган муаббир ариқ гувоҳ,  
Меҳрингизни асрадим кўзларим қаросида.

1995 й.

## КЕЛСА КЕЛАР

Қарсиллатиб ёпилар эшик,  
Шиқирлайди оҳиста калит.  
Остонанинг боши-да эгик:  
“Келса келар, келмаса келмас!”

Боқиб бўлмас кўзларига тик,  
Аста бошин чайқар деворлар.  
“Уҳ” тортишдан чўчир ёлғизлик:  
“Келса келар, келмаса келмас!”

2004 й.

## СЎНГГИ ДАМДА

Мен – кўзингиз қароғини тўлдирган гулоб,  
Имконсизлик саҳросига тўкилгум бир кун.  
Бир кун мени ердан тортиб олади офтоб,  
Ёмғир бўлиб бошингизга қуйилгум бир кун.  
Танимайсиз, мен-чи сизга сингиб кетаман,  
Шўр тер бўлиб ялтирайман пешонангизда.  
Сидирасиз терни, шу дам кўкка етаман,  
Шабнам бўлгум сиз узажак ўшал нарғизда.  
Қайта-қайта Аршга бошим уравераман,  
Бир кун мени Азроилга беради раҳмон.  
Лабингизга томизаркан томчи гулобни,  
Жонингизни Азроил ҳам олади осон.  
Жон берар чоқ қонар сизда асрий ташналик,  
Бирдан таниш туюлади гулобдаги таъм.

Ва англайсиз кўзингиздан оққан гулоб бу,  
Сўнги дамда мени сизга қайтармиш эгам!

1995 й.

## ЙИГЛАСАМ

Йигласам, кўзимнинг ёши тош қотди,  
Феълимдан дунёнинг боши тош қотди,  
Емадим, миннатнинг оши тош қотди,  
Ё худойим.

Термулдим тоғларнинг тоши эриди,  
Азобдан қувончнинг лоши эриди,  
Имконсиз бу дунё бардоши эриди,  
Ё худойим,

Кўкимдан қор қаби ёғди туйғулар,  
Кўнгилни тарк этиб кетди уйқулар,  
Дил кўзи очилиб, бир маънос кулар,  
Ё худойим.

Мен энди тупроққа кўмилган бугдой,  
Турналар базм этган кимсасиз бир жой,  
Қуёшнинг қизиман, кўзларимда Ой,  
Ё худойим.

1995 й.

## ХИЁНАТ ҚИЛДИНГИЗ...

1

Сиз кулиб хиёнат қилдингиз,  
Мен кулиб захролуд сипқордим.  
Қалбимни эрмакми билдингиз,  
Мен ҳаёт жарига тик бордим,  
Кечиргим келмади, кечиргим.

Мен кулиб захролуд сипқордим,  
Ўлса гар ишқим-да ўлгайдир.  
Қадримни тупроққа қордим,  
Меҳримнинг паймони тўлгайдир,  
Кечиргим келмади, кечиргим.

Қалбимни эрмакми билдингиз,  
Гуноҳим не эди, гуноҳим?!  
Дилимни бўлаклаб, тилдингиз,  
Ранжиди дилдаги Оллоҳим,  
Кечиргим келмади, кечиргим.

Мен ҳаёт жарига тик бордим,  
Сиз ахир тириклай сўйдингиз,  
Оллоҳга юкиндим, ёлбордим,  
Қалбимни ўлдириб қўйдингиз,  
Кечиргим келмади, кечиргим...

## 2

Ўлмадим, кўрдингиз, рашқдан ўлмадим,  
Сизсиз ҳам яшамок келди қўлимдан.  
Қуёшсиз қолган гул каби сўлмадим,  
Мен яна тасалли топдим ишқимдан.

Хиёнат ботқоғи томон отдингиз,  
Унутиб қўйдингиз мен оқ нилуфар.  
Дилимга минг бир тиғ каби ботдингиз,  
Кўкарди ул тиғлар мисли суманбар.

Мисоли авлиё, гуноҳингиз йўқ,  
Кўзингиз тип-тиниқ, боқасиз тим-тик.  
Менинг жоним ёниб, пайдо бўлди чўғ,  
Менинг бошим бугун сиз учун эгик.

Мен ҳаёт юкини тишимда тишлаб,  
Ўзимдан кечсам ҳам сиздан кечмовдим.  
Хиёнат – беҳисоб, вафо биттадир,  
Мен илк бор шу ҳикмат фаҳмига бордим.

Ўлмадим, кўрдингиз, рашқдан ўлмадим...

## 3

Қуйнингизда ухлади илон,  
Пари бўлиб, париваш бўлиб.

Юрагимга сиғмади уммон,  
Жонимни-да оқизди тўлиб.

Фарзандларим шу тун тушида  
Илк бор илон кўриб сесканди.  
Адашдингиз билиб, бегим-а,  
Нафсингизга бўлдингиз банди.

Шу тун пирлар юзини бурди,  
Бошингиздан учмишдир ҳумой.  
Кўнглингизда илон уй қурди,  
Зулмат бўлди мен сиғмаган жой.

Хиёнатнинг дўндиқ жувони  
Сочингизни силади майин.  
Сизни сийпаб, авраган они  
Юрагимни илон еди жим.

Чил-чил бўлган жон синиқларим  
Босиб бир кун оғрир жонингиз.  
Оқариб дил қорачиқлари,  
Лойқаланди тоза қонингиз.

Сиз бор бўлиб ёлғиз бўлдим-ай,  
Ўксиб, синиб, сабр тиландим.  
Ўлдим, шундай ёмон ўлдим-ай,  
Бир лаҳзада Аршдан қуладим.

Қуйнингизда ухлади илон...

1998 й.

## СИНДИ

Дада, синди, пиёла синди,  
Кўнгил чил-чил, юрак муз қотар.  
Ҳақоратлар ботқоғи энди  
Вужудимни бағрига тортар.

Пешонамнинг шўрлари магар  
Шўрхок мисол ётар оқариб.  
Оёғимдан бошимгача зар  
Тўксалар ҳам мен энди ғариб.

Ботқоқликда нилуфар бўлиб,  
Қурбақага паноҳ бўламан.  
Ҳар тун миз-миз йиглайман тўлиб,  
Кундузлари кулиб ўламан.

Дада, синди, пиёла синди... 1998 й.

## КЎЗЛАРИНГИЗ...

Куй бўламан, оҳанг бўламан  
Дил эшигин чертгувчи секин.  
Зард бўламан, дардга тўламан,  
Ғалаёнлар тўфони бетин.

Гулми эдим, гулзорми эдим,  
Тўкилгувчи кўнгил саҳнига?!  
Кўнглингизда мен борми эдим,  
Чидаш оғир кўнгил ваҳмига.

Йиллар хазон каби тўзиди,  
Йиллар ортга қайтаётирми?!  
Айтилмаган ўшал сўз эди,  
Кўзларингиз айтаётирми?! 1995 й.

## СИЗГА

1

Жонингизни андуҳлар еди,  
Сиз шаҳарда кетмайсиз қолиб.  
Меҳрим менинг бир уммон эди,  
Биёбонга кетмайсиз олиб.

Биёбонни соғиндингизми,  
Ё биёбон сизни соғинди?!  
Кенгликларга бердим мен сизни,  
Юрагимда бўронлар тинди.

Бораверинг, сочим супурги,  
Йўлингизни супуриб қўйдим.  
Тупроғимиз айролигини  
Англамоқдан, тўғриси, тўйдим.

Бораверинг, энди ўзимни  
Шеъроятга бериб кетаман.  
Сабрим тошин атрофингизга  
Қалъа каби териб кетаман.

2

Зувиллаб оқмоқда умри сарахбор,  
Муסיқа мисоли мунгли ва сулув.  
Сиз менинг кўнглимни англани-а бир бор,  
Тўфонлар кўркуви солгайдир ғулу.

Кундузлар сочимни супурги қилди,  
Тунлар кўз ёшимга чўмилди ҳар гал.  
Туйғулар юракни аёвсиз тилди,  
Сизни деб тиканни босдим ҳар маҳал.

Бир майин, бир нафис дилнинг садосин  
Турмушнинг зардакор товуши кўмди.  
Қайси кўз кўргайдир чин фидосини,  
Юрагим саҳрўйи сукутга чўмди.

Саҳрода лолалар очилмайдими,  
Ёввойи чечаклар сассиз жигмаяр.  
Сиз учун меҳримиз сочилмайдими,  
Умримиз поёндоз сиз учун магар.

Кўнглимнинг каъбасин зилзилалардан  
Асрадим ва лекин ундан ҳам олдин  
Мен сизни аядим, боламни дедим,  
Эҳтимол шу сабаб мен яшаб қолдим...

2010 й.

### СИЗСИЗ

Илдизи йўқ гул каби сўлиб қоларман сизсиз,  
Қайғулар маржонини тақиб оларман сизсиз,  
Сизни аяб, ўзни минг куйга соларман сизсиз,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

Сочимнинг ифорини ҳатто елга бермадим,  
Кўзимнинг дарёсини шошқин селга бермадим,  
Изингизда изиллаб қолдим, гуллар термадим,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

Кўзингизда мунг кўрсам, пойингизга тўкилдим,  
Тоғлар келса терс туриб, фақат сизга букилдим,  
Жонимни йўлингизга поёндоз қилиб билдим,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

2010 й.

### МЕН ЭСА...

Ҳеч кимга бермаган қалб қуёшимга  
Бир бор тик қарашга ярамадингиз.  
Ё рабки, киприқда қотган ёшимга  
Бир бора орзиқиб қарамадингиз.

Мен эса... Мен сизга термулиб туриб,  
Кўздаги ёшимни артмоқчи эдим.

Сахрода лолалар очилмайдими,  
Ёввойи чечаклар сассиз жигимаяр.  
Сиз учун меҳримиз сочилмайдими,  
Умримиз поёндоз сиз учун магар.

Кўнглимнинг каъбасин зилзилалардан  
Асрадим ва лекин ундан ҳам олдин  
Мен сизни аядим, боламни дедим,  
Эҳтимол шу сабаб мен яшаб қолдим...

2010 й.

### СИЗСИЗ

Илдизи йўқ гул каби сўлиб қоларман сизсиз,  
Қайғулар маржонини тақиб оларман сизсиз,  
Сизни аяб, ўзни минг куйга соларман сизсиз,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

Сочимнинг ифорини ҳатто елга бермадим,  
Кўзимнинг дарёсини шошқин селга бермадим,  
Изингизда изиллаб қолдим, гуллар термадим,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

Кўзингизда мунг кўрсам, пойингизга тўкилдим,  
Тоғлар келса терс туриб, фақат сизга букилдим,  
Жонимни йўлингизга поёндоз қилиб билдим,  
Сизни яна мендайин севолгани бормикан?!

2010 й.

### МЕН ЭСА...

Ҳеч кимга бермаган қалб қуёшимга  
Бир бор тик қарашга ярамадингиз.  
Ё рабки, киприқда қотган ёшимга  
Бир бора орзиқиб қарамадингиз.

Мен эса... Мен сизга термулиб туриб,  
Кўздаги ёшимни артмоқчи эдим.

Бор-йўғи ажалдан юзимни буриб,  
“Севаман сизни”, – деб айтмоқчи эдим.

2007 й.

## РИЗО БЎЛИНГ

Мен муҳаббат юртидан қайтдим,  
Пойлуч юрдим тиканзорларда.  
Сизни дедим, сизга шеър айтдим,  
Фарз бажардим қиш-баҳорларда,  
Мендан ризо бўлгайсиз, бегим.

Кўнглингизни тоғдай кўтаргай,  
Мендан кейин учта меҳрибон.  
Сиз буюринг, оқ ювиб-тарай,  
Сиз озорим, сиз танимда жон.  
Мендан ризо бўлгайсиз, бегим.

Гоҳо юзин бурса ҳам гардун,  
Кўнглингизга суянганман жим.  
Шеъриятни кучоқлаб гоҳо,  
Дилингизни инжитдим балким,  
Мендан ризо бўлгайсиз, бегим.

Сиз қайрилиб боқмасангиз ҳам  
Пойингизга гулдай тўкилдим.  
Оллоҳимни зикр этиб ҳар дам,  
Фақат сизга дилдан эгилдим,  
Мендан ризо бўлгайсиз, бегим.

2008 й.

## ҲАЁТ ҚОНУНИ

Алдашни билмаган алданиб яшар,  
Оёғим остида бир қарич тупроқ.  
Зардобкўл тубига чўккан дил магар  
Қон қусмай яшарми қайғу ютган чоғ.

Оёғим остида бир қарич тупроқ,  
Зим-замбил вужудни бошида тутар.  
Раббим-а, жонимни қўллаганинг чоқ  
Тўфонли кунлар-да бир кунни ўтар.

Зардобкўл тубига чўккан дил магар  
Инжудай садафдан топарми макон.  
Зулумот ичинда руҳим дарбадар  
Ям-яшил замини, мунаввар осмон.

Алдашни билмаган алданиб яшар...

1998 й.

## КЎНГЛИМИЗ БУРЖИДА

Кўнглимиз буржида қолиб кетдингиз,  
Самога термулиб сизни кўрурмиз.  
Армон салтанатин маликаси биз,  
Сиз қайси малакка иқбол этдингиз.

Гоҳ қайтиб қолсангиз кўнгил мулкига,  
Кўзимиз лайлосин ёд олармисиз?!  
Энг тоза ҳисларни асраб-авайлаб,  
Севгини сатрга ҳеч солармисиз?!

2009 й.

## ИҚРОР

Ичимдаги шошқин дарёлар  
Кўзим баҳрин тўлдираётир.  
Чор-атрофда бунча рўёлар,  
Бардош мени ўлдираётир,  
Тассали ҳам кутмайин кўйдим.

Мен онамга нима ҳам қилдим,  
Фарзандимдан кутмасман бир дам,  
Оналик --- қарз, онамдан билдим,  
Қарз узгаймиз онам ҳам, мен ҳам,  
Йиллар ўтиб, мен шуни туйдим.

Бор меҳрини поёндоз қилган  
Меҳрга зор ўтар, ёронлар,  
Меҳр топмай бағрини тилган  
Меҳридарё, меҳрибон жонлар,  
Сизга ўхшаб бағримни ўйдим,

Қийнайверсин умри бешафқат,  
Қийноғига жоним фидодир.  
Мен кўпларга дардкаш бўлдим,  
Ёлғиз қолдим, ёрим худодир,  
Одамларни шунчалар суйдим...

2010 й.

## ДУО

Осмонсиз, осмонлар сизга буюрсин,  
Ҳукмингиз кўк аро жаранглаб турсин.  
Оёғим заминдан узилмай турсин,  
Мени безовта қилманг!

Йўлимни ёритгай кўнглимдаги нур,  
Кўнглимда яширин марвариду дур,  
Бор бўлинг, мол-дунё сизга ярашур,  
Мени безовта қилманг!

2009 й.

## БИР КУН КЕЛИБ...

Бир кун келиб:  
Булбуллар сайрайди ўнгу сўлимда,  
Соямга "Ассалом", – дейди киборлар.  
Атиргул термулиб турар йўлимга,  
Ювилиб кетади дилдан гўборлар.

Бир кун келиб:  
Илонлар йўлимдан қочади секин,  
Гул очар пойимга санчилган тикон.  
Азоблар сотилмай, берилар текин,  
Ғийбатдан, фасоддан қутилади жон.

Бир кун келиб:  
Бир тоза ҳаводан олгумми нафас,  
Суягим ҳар бири бўларми бутун?!  
Юрагим бир текис урарми бир пас,  
Бир куни келарми, ўшандай бир кун?!

Бир кун келиб...

2001 й.

## МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
Элимга.....	3
Жавоб.....	5
Шеъримга.....	6
Савол.....	6
Шоирман денг.....	7
Оқ қоғозим.....	7
Руҳим.....	8
Юсуф Қурбоновга.....	10
Охунжон Сафаров сўзи.....	10
Шарифага.....	12
Дадамга дарди ҳол.....	13
Зикр.....	13
Соғинч.....	14
Онамга.....	15
Улар гўё Ҳотам.....	15
Лобарга.....	16
Ҳолат.....	17
Бўлажак олимага.....	18
Қисмат суврати.....	18
Садриддин Салим хонадонида.....	22
Йиғи.....	22
Йўқлов.....	23
Саодат.....	24
Чизги.....	24
Ёзнинг ташрифи.....	25
Манзара.....	26
Талабалик.....	27
Оқ шеърлар.....	28
Юрагим бурдалаб.....	34
Илон билан суҳбат.....	35
Қиёс.....	35
Сочмалар.....	36
Тўртликлар.....	38
Фол.....	38
Шеърга алишдим.....	39

Кўнгил тор.....	40
Ташриф.....	40
Бир кун.....	40
Тақдир.....	41
Алвидо.....	41
Барчадан кулудим.....	42
Кўнглимни уфққа бердим.....	42
Ҳеч нарса.....	43
Ботмай деб.....	43
Илоҳий туйғу.....	44
Ёлғизликдан.....	44
Эътироф.....	45
Халқона оҳангларда.....	45
Зидлик.....	46
Келсангиз.....	46
Шу мовий осмондан.....	47
Талаба йигит.....	47
Кетсам гар.....	50
Соғинч.....	50
Келса келар.....	51
Сўнги дамда.....	51
Йиғласам.....	52
Хиёнат қилдингиз.....	52
Синди.....	55
Кўзларингиз.....	55
Сизга.....	56
Сизсиз.....	57
Мен эса.....	57
Ризо бўлинг.....	58
Ҳаёт қонуни.....	59
Кўнгил буржида.....	59
Иқроф.....	60
Дуо.....	60
Бир кун келиб.....	61

